

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта таълим вазирлиги
Тошкент давлат шарқшунослик институти
Таржимашунослик кафедраси

Мақола

**Мавзу: Бадиий таржимада фразеологик бирликларнинг берилиши
муаммосига доир**

Тузувчилар: Ҳамидов Х.Х.

Тошкент – 2018

Бадий таржимада фразеологик бирликларнинг берилиши муаммосига доир

Ҳамидов Х.Х.

Тошкент давлат шарқшунослик институти, катта ўқитувчи

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола бадий таржимада фразеологик бирликларнинг берилиши билан боғлиқ долзарб муаммолар тадқиқига бағишланган. Мақолада, асосан туркча иборалар ва уларнинг ўзбекча ҳамда русча муқобиллари, айрим ўринларда эса япон тилидаги муқобиллари ҳам кўриб чиқилган. Унда туркча бадий асарлар, халқ мақолларидан ҳам намуналар келтириб ўтилган.

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена изучению актуальных проблем передачи фразеологических единиц в художественном переводе. В статье, в основном, рассмотрены турецкие фразеологизмы и их узбекские эквиваленты, в некоторых местах приведены их эквиваленты на японском языке. В ней приведены примеры из художественных произведений, а также образцы народных пословиц.

This article is devoted to some actual problems of giving idiomatic units in fiction translation. Mainly there are done researching works on analyzing idioms, proverbs, sayings in Turkish and their equivalents in Uzbek language, also were given some equivalents in Japanese language in this article. There are cited examples, proverbs from fiction translation on this theme. The problems of translating idiomatic units in fiction literature are considered to be important, difficult part of activity of translator. It is important to show nationalities' mentality, culture, ways of thinking specifies by translating idioms, proverbs, sayings etc.

Бадий таржима умуминсоний маданиятнинг ривожланиши, миллатлараро муносабатларнинг мустаҳкамланишида муҳим омил ҳисобланади. Бунда таржималарнинг сифати, савияси, таржимонларнинг асл нусхани бошқа тилда қайта яратишдаги маҳорати муҳим аҳамият касб этади. Фразеологик бирликларнинг таржимада ишончли берилиши эса таржиманинг сифатини белгиловчи мезонлардан бири саналади.

Фразеологик бирликлар бадий асарда образлиликни таъминловчи унсур, воқеликни акс эттиришнинг муҳим воситаси бўлиб, уларнинг таржимада берилиши таржимашуносликнинг мураккаб ва айни пайтда ўта долзарб муаммоси саналади. Бир халқнинг бадий тафаккури, миллий ўзига хосликлари ўз ифодасини топган бундай бирликларнинг аслият тилидан таржима тилига ўгирилиши ўзига яраша қийинчиликлар туғдириши табиий.

Ушбу мақолада турк тилидан ўзбек тилига ва аксинча таржимада фразеологик бирликларнинг берилиши билан боғлиқ муаммолар кўриб чиқилади. Унда илгари сурилган назарий фикрлар турк ва ўзбек

тилидаги бадий асарлардан олинган жумлалар ва уларнинг таржималари асосида исботланди. Айрим ўринларда япон тилида қўлланилаётган баъзи иборалар ҳам келтирилди. Асарларда қўлланилган иборалар, уларнинг синоним ва вариантлари Туркияда чоп этилган мақол ва иборалар луғати¹, турк тилининг изоҳли луғати² ҳамда Ш.Рахматуллаевнинг “Ўзбек тилининг фразеологик луғати”³га асосланган ҳолда таҳлил қилинди. Тадқиқот сирасида, туркча иборалар ва уларнинг таржимада берилган муқобиллари ўзаро қиёсланиб, уч гуруҳ доирасида таҳлил қилинди. Булар:

– аслият ва таржима матнида шакл ва маъно жиҳатдан бир-бирига тўла мос келадиган иборалар;

– аслият ва таржима матнида шаклан фарқли, маъно жиҳатдан эса бир-бирига муқобил бўлган иборалар;

– аслиятда эркин сўз бирикмаси бўлиб, таржимада ибора шаклида берилган ёки аксинча бўлган фразеологик бирликлар.

Туркча фразеологик бирликлар ва уларнинг таржимаси таҳлил этилар экан, аслият ва таржима матнида шакл ва маъно жиҳатдан бир-бирига тўла мос келадиган иборалар гуруҳига тегишли ўнлаб ибора аниқланди. Қуйида булардан бир нечтасини санаб ўтамиз.

Туркча ‘*kaş yapalım derken göz çıkarmak*’ ибораси ўзбекчадаги ‘*қош қўяман деб, кўз чиқармоқ*’ иборасига айнан мос келади ва ҳар икки тилда “хайрли иш қилмоқчи бўлиб, жиддий хатога йўл қўйиш” маъносида қўлланади. Ёки, *kaş çatmak* иборасининг ўзбекча муқобили *қош чимирмоқдир*: *Şehnaz hanım, zarfın üzerine göz gezdirirken hafifçe kaşlarını çatıyordu* (таржимаси: Шаҳноз хоним конвертга кўз югуртирар экан салгина қошини чимирди) каби.

Шунингдек, ўзбекча “бир кимсани ёки бирон нарсани жуда соғиниб кутмоқ” маъносидаги ‘*кўзлари тўрт бўлиб кутмоқ*’ ибораси туркча ‘*dört gözle beklemek*’, “армон билан дунёдан кўз юммоқ” маъносидаги ‘*gözleri açık gitmek*’ ибораси ўзбекча ‘*кўз очиқ кетмоқ*’ иборасига мос келади: *Gözlerine doymadan gidersem eğer, gözlerim açık gider bunu bil!*⁴. Ушбу жумлани *Кўзларингга тўймасдан кетсам, кўзим бу дунёдан очиқ кетади, бунни билиб қўй* деб ўгириш мумкин. Ёки, “*Korkunç olmasına korkunç, ama esas korkunç olan uyuyan yılanın kuyruğuna basmak üzere harekete geçmemizdir*”⁵ гапида ёзувчи қўллаган ‘*uyuyan yılanın kuyruğuna basmak*’ (‘ухлаётган илоннинг думини босмоқ’) ибораси иштирок этган. Бу жумлани ўзбекчага “*Даҳшат эканлиги ўз йўлига, аммо асосий даҳшат уйқудаги илоннинг қуйруғини босиш учун ҳаракат бошлаётганимиз*” шаклида берса бўлади.

¹ Adıgüzel H. Deyim Hazinemiz. Açıklamalı - Örnekli Türkçe Deyimler Sözlüğü. İstanbul, 1990.

² Türkçe Sözlük, TDK, 9. Baskı, 1.-2. Ciltler, Ankara, 1998.

³ Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати, Қомуслар бош тахририяти, Тошкент, 1992.

⁴ Öztürk H., Çürüme, Öykü. Ankara, 1999, S.14.

⁵ Öztürk H., Çürüme, Öykü. Ankara, 1999, S.112.

Баъзи туркча ибораларнинг ўзбекча муқобиллари танланаётганда уларнинг таркибида биргина сўз (предмет)нинг фарқ қилиши кузатилади. Масалан, турк тилида “жуда осон” маъносидаги *‘tereyağından kıl çeker gibi’* (*‘сариеғдан қил суғургандай’*) иборасининг ўзбекчага муқобили *‘хамирдан қил суғургандай’*. Демак, ишнинг осон ҳал этилиши туркларда ‘сариеғдан қил суғурилиши’га, ўзбекларда эса ‘хамирдан қил суғурилиши’га ўхшатилади. Ана шу нуқтада икки халқда икки хил образ (сариеғ ва хамир) асос олинганини, лекин ‘қил суғуриш’ (*‘kıl çekmek’*) бир хил экани аён бўлади⁶. Таржимада *tereyağından kıl çeker gibi* иборасини ўзбекчага “*сариеғдан қил суғургандай*” деб, ёки ўзбекча “*хамирдан қил суғургандай*” иборасини туркчага *hamurdan kıl çeker gibi* шаклида ўгириш китобхонга тушунарли бўлса-да, барибир, уни маълум даражада чалғитиши мумкин. Чунки бу эрда ўзбеклар ва турклар бадиий тафаккуридаги фарқлилик масаласи турибди. Қолаверса, таржимани ўқувчи китобхон хамир ёки сариеғдан қил қандай суғурилишини эмас, ишнинг қандай осон битишини тасаввур қилади.

Рус тилида “*хамирдан қил суғургандай*” иборасига жуда яқин маънода *как по маслу* (ёғлангандай) ибораси қўлланилади. Бироқ айрим таржималарда иборани сўзма-сўз ҳам берадилар. Масалан, Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романидаги “*Дала ҳавоси ... бутун иллатни хамирдан қил суғургандай тортиб олади*” жумласи русча таржимада “*Воздух полей всю болезнь вытянет, как волос из теста*” шаклида берилган.

Иккинчи гуруҳга аслият ва таржима тилида шакл жиҳатдан фарқли, аммо маъносига кўра бир-бирига тўла муқобил бўлган иборалар киради. Бундай иборалар устида ишлаш сирасида уларнинг ўзбек тилида муқобили бўлсада, сўз-образларнинг икки тилда фарқли экани, иборанинг айнан таржимаси ҳеч қандай фразеологик маъно касб этмаслиги аён бўлди. Масалан, туркча бир мавқега кўтарилган кишининг атрофдагиларни менсимай қўйиши *birni büyütek* (сўзма-сўз: бурни каттармоқ) ибораси орқали, ўзбек тилида *бурни кўтарилмоқ, димоғи кўтарилмоқ (димоғи баланд⁷)* иборалари, рус тилида эса *задирать нос (смотреть с высоко)* фразеологизми орқали ифодаланади. Ўзбек тилидаги *бурни баланд, баланд охурдан ем емоқ* ибораларига япон тилидаги *鼻が高い (hanaga takai)* ибораси муқобил бўла олиши маълум бўлди.

Шунингдек, япон тилидаги **蛙の子は蛙。** (каэгу ноко ва каэгу) иборасининг инглизча варианты *Child of a frog is a frog (Like father, like son)* бўлиб, унинг ўзбекча сўзма-сўз таржимаси қуйидагича: “Ўзи туғилиб ўсган жойни тарк этган бола, албатта, бир кун яна қайтиб

⁶ Ҳамидов Х., Ўзбекчадан туркчага насрий таржима муаммолари. –Т., ТошДШИ, 2014, 78-б.

⁷ Ўзбек тилининг баъзи шеваларида мазкур ибора тожикчадан ўзлашган қўшма сўз шаклидаги *каландимоғ* (калон – катта + димоғ) сифати воситасида ҳам берилди.

келади” бўлади. Кўп ҳолларда салбий маъно касб этувчи, фарзандларнинг ота-оналаридан ўрناق олиши табиийлиги таъкидланувчи “Олманинг тагига олма тушади” мақоли рус тилида “Яблоко от яблони далеко не падает” (сўзма-сўз: “Олма олма дарахтидан узоққа бориб тушмайди”) шаклида, турк тилида эса *Armut ağacından uzak düşmez* (сўзма-сўз: “Нок дарахтидан узоққа бориб тушмайди”) шаклида ифода этилади.

Ўзбек ва турк тилларида инсоннинг моддий ҳолатини ифодаловчи “кўли “кўли узун” (eli uzun) ибораси бор. Япон тилида эса *手が長い mega nagai*, сўзма-сўз: «кўли узун» ибораси “кўли тоза эмас, ёмон ишларга аралашган” мазмунини ифода этади.

Ёки, бир ишнинг бошланиши дунёнинг кўп тилларида ибора воситасида ифода этилади. Жумладан, япон тилида бу ҳолат *スタートを切る* (сутато wo киру) ибораси орқали ифодаланар экан. Ўзбек тилида буни *бел боғламоқ, энг шимармоқ* иборалари орқали ифода этамиз. *Энг шимармоқ* иборасининг турк тилидаги эквиваленти *kolları sıvamak* (енг шимармоқ), рус тилидагиси эса *засучивать рукава* дир.

“Энг шимармоқ” иборасига япон тилидаги *腕をまくる* *уде-о макуру* (сўзма-сўз: «кўлини шимармоқ») фразеологизми ҳам тўғри келади (чунки япон миллий либосларининг ҳам энги узун бўлади ва ишга халақит бермаслиги учун у шимариб кўйилади (*макуру* - «қайириш, ўраб, шимариб кўйиш») керак. *腕がむずむずしている* *уде-га музумудзу ситеиру* – ибораси ҳам ўз, ҳам кўчма маънода “кўллари қичимоқ” дегани.

Туркча *avucunun içi gibi bilmek* (сўзма-сўз: ҳовучини ичи каби билмоқ) “бир жойни жуда яхши билмоқ” маъносида кўлланилади. Айни маънони ўзбек тилидаги *беш қўлдай билмоқ* ибораси, рус тилидаги *знать как свои пять пальцев* фразеологик бирикмаси беради: *Melâhat İstanbul’u avucunun içi gibi bilirdi*⁸. Таржимон ушбу туркча жумлани *Малоҳат Истанбулни беш қўлдай яхши билади*⁹ деб таржима қилган. Таржима ишончли, лекин унда “яхши” сўзи ортиқча, чунки ибора таркибида бу сўз йўқ (*беш қўлдай билмоқ*). Рус тилида ушбу гапни кўйидагича бериш мумкин: “Малоҳат знала Стамбул как свои пять пальцев”.

Бадиий матнлар устида ишлаш давомида баъзи туркча ибораларнинг ўзбек тилига айнан таржимаси ҳеч қандай фразеологик маъно касб этмаслиги аён бўлади. Таржима сирасида бундай бирликларнинг маъно муқобиллари топилиши талаб этилади. Масалан, туркча “*Alınmaz sanılan şehirleri almış, yıkılmaz kaleleri yıkmış, geçtiği yerleri yakmış, taş üstünde taş bırakmamış*” гапидаги *taş üstünde taş*

⁸ Derveş S. Fosforlu Cevriye, roman, Selenge Yayınları, İstanbul, 2001, S.8.

⁹ Жаҳон адабиёти, адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журнал, июль, 2002, 4-б.

bıraktamak (тош устида тош қолдирмаслик) иборасини таржимада “кулини кўкка совурмоқ” деб ўгириш мумкин (“Олиб бўлмайдиган шаҳарларни олибди, йиқилмас қалъаларни йиқибди, ўтган ерининг кулини кўкка совурибди”). Чунки турк тилидаги *taş üstünde taş bıraktamak* ва унинг варианты бўлган *taş üstünde taş, omuz üstünde baş bıraktamak* (сўзма-сўз: тош устида тош, елка устида бош қолдирмаслик) иборасининг ўзбек тилидаги муқобили “ер билан яксон килмоқ”, “кунпаякун килмоқ” дир.

Турк адибаси С.Дарвешнинг “Фосфорли Жаврия” романида шундай гап бор: “*Kızlar: “Fosforu var derlerdi... Göze evvela o çarpıyor”*¹⁰ гапидаги *göze çarpmak* (сўзма-сўз: “кўзга урилмоқ”) ибораси ўзбек тилидаги *кўзга ташланмоқ* иборасининг муқобили ҳисобланади. Ушбу гап таржимада ишончли берилган, лекин мутаржим *кўзга ташланмоқ* ибораси ўрнига “кўрмоқ” феълени қўллаган: “Қизлар: “Бунинг фосфори бор, - дейишарди. – Ҳаммадан бурун уни кўришарди”¹¹. Ҳолбуки, туркча жумла “Қизлар: “Бунинг фосфори бор, - дейишарди. – Ҳаммадан олдин кўзга у ташланар эди”. – деб ўгирилса, ибора таржимада ўз ўрнини топган бўлар эди.

Матнда эркин бирикма бўлган баъзи бирликлар таржимада ибора ёки мақол шаклида берилиши мумкин. Оддий жумланинг таржима тилининг фразеологик имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда таржимада берилиши таржимоннинг маҳоратидан далолат беради. Масалан, Явуз Баҳодир ўғлининг “Хоразм ўт ичида” (“*Buhara Yanıyor*”) романидаги *İki kardeşin birlikte devlet idare etmeleri mümkün degildir*¹² жумласининг ўзбек тилига “*Икки кўчқорнинг боши бир қозонда қайнамайди*”¹³ деб ўгирилганлиги таржимоннинг аслият матнига нечоғли ижодий ёндашганлигини кўрсатиб турибди. Ҳолбуки, жумлани сўзма-сўз: “Икки ака-уканинг биргаликда давлатни бошқаришлари мумкин эмас” деб ўгирса ҳам бўлар эди. Таржимон “бир шаҳарда икки ҳокимнинг ўзаро келишиб, тотувликда ҳокимиятни идора қилишлари мумкин эмас”лигини ўзбек халқ мақоли воситасида моҳирона етказиб берган. Худди шунга ўхшаш, айни асардаги “*Sultan olanın agzından söz bir kere çıkardı*”¹⁴ жумласи “Султон дегани битта гапирди» ёки “Султоннинг айтгани айтган, дегани деган” маъносида «*Айтилган сўз - отилган ўқ*” - машҳур ўзбек мақолини қўллаган ҳолда ўгирилганки, бадийлик янада ортган.

Баъзан таржимада “*henüz bir bebek*” (ҳали жуда гўдак) эркин бирикмаси “она суги оғзидан кетмаган» деб, ёки “*Hatta böyle bir karar vermeyi bile düşünmemisti*” жумласи (сўзма-сўз: Ҳатто бундай қарор

¹⁰ Derveş S. Fosforlu Cevriye, roman, Selenge Yayınları, İstanbul, 2001, S.9.

¹¹ Жаҳон адабиёти, адабий-бадий, ижтимоий-публицистик журнал, июль, 2002, 4-б.

¹² Bahadıroğlu Yavuz, Buhara Yanıyor, Roman, İstanbul, 1998, S.39.

¹³ Баҳодирўғли Явуз, Хоразм ўт ичида, Бобоҳон Муҳаммад Шариф таржимаси, Жаҳон адабиёти журнали, 2-3-сонлар, Тошкент, 2003, 27-б.

¹⁴ Bahadıroğlu Yavuz, Buhara Yanıyor, Roman, İstanbul, 1998, S.27.

кабул қилишни ўйлаб ҳам кўрмаганди) “*Бу нарса етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди*” шаклида берилади. Ҳатто оддийгина *sevindiler* сўзи таржимада “*бошлари осмонга етди*” деб, *tahammülünü aşırnak* (сабрини оширди) бирикмаси эса «*сабр касасини тўлдирмоқ*» деб ўгирилади.

Албатта, юқоридаги тасниф бадий таржимада ибораларнинг берилиши масаласига тегишли бир нуқтаи назар. Ҳақиқий таржимон иш жараёнида ёзувчи сингари ўз меҳнатига ижодий ёндашади. Сўзни сўз билан эмас, сўз тагидаги маънони, образни, туйғуни беришга ҳаракат қилади. Масалан, таниқли турк ёзувчиси Р. Н. Гунтекиннинг “*Чолиқуши*” романи таржимаси машҳур ўзбек адиби, моҳир таржимон М.Исмоилий қаламига мансуб. Мазкур асарда кечган “*Kadın da nasılsa şeytana uymuş ve kocasını, çocuğunu bırakarak zabitle beraber kaçmış...*”¹⁵ жумласини “*Хотин ҳам шайтон васвасасига учиб, эри билан боласини ташлаган-у, ўша офицер билан қочиб кетган...*”¹⁶ деб ўгирар экан М. Исмоилий туркча *şeytana uymak* иборасини “*тўғри йўлдан адашмоқ*” маъносидаги ўзбекча “*шайтон васвасасига учмоқ*” деб беради.

Бадий таржимада фразеологик бирликларнинг берилиши муаммоси ҳар доим таржимашуносликнинг муҳим масалалардан бўлиб қолади. Шунини ҳисобга олиб, мазкур мақолани ўзбек таржимашунослигининг катта муаммоси устида юритилган мулоҳаза сифатида баҳолаган ҳолда, келажакда бу борада жиддий изланишлар олиб борилишига умид қиламиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Adıgüzel N. Deyim Hazinemiz. Açıklamalı - Örnekli Türkçe Deyimler Sözlüğü. İstanbul, 1990.
2. Баҳодирўғли Явуз, Хоразм ўт ичида, Бобохон Муҳаммад Шариф таржимаси, Жаҳон адабиёти журнали, 2-3-сонлар, Тошкент, 2003.
3. Bahadıroğlu Yavuz, Buhara Yarıyor, Roman, İstanbul, 1998.
4. Derveş S. Fosforlu Cevriye, roman, Selenge Yayınları, İstanbul, 2001.
5. Жаҳон адабиёти, адабий-бадий, ижтимоий-публицистик журнал, июль, 2002.
6. Г унтекин Р.Н. Чолиқуши. М. Исмоилий таржимаси. Тошкент, 2002.
7. Güntekin R.N. Çalığışu. İnkilap Kitabevi, 38. Baskı. İstanbul, 1995.
8. Öztürk H., Çürüme, Öykü. Ankara, 1999.
9. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати, Қомуслар бош таҳририяти, Тошкент, 1992.
10. Türkçe Sözlük, TDK, 9. Baskı, 1.-2. Ciltler, Ankara, 1998.
11. Ҳамидов Х., Ўзбекчадан туркчага насрий таржима муаммолари. –Т., ТошДШИ, 2014, 78-б.

¹⁵ Güntekin R.N. Çalığışu. İnkilap Kitabevi, 38. Baskı. İstanbul, 1995, S.216.

¹⁶ Г унтекин Р.Н. Чолиқуши. М. Исмоилий таржимаси. Тошкент, 2002, 233-б.